



Ozodlik uchun o'limga tayyor xalqqina Ozodlikka loyiqdir

ERKIN YURT

O'zbekiston Xalq Harakatining rasmiy nashri

№ 249/ 14.05.2017

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ
АМАЛДОРЛАРИНИНГ
ИФЛОСЛИКЛАРИ
ТАСВИРГА ОЛИНГАН УШБУ
ВИДЕОДА: Кўрмайсизми, бир
журналистнинг унини ўчириш
учун ҳукуматнинг бутун бир
бошли “армия”си сафарбар
этилган!**

Журналист Дилдора
Боймрудованинг президент
Мирзиёевга килган видео
мурожаати сиз учун қизик бўлмаса,
ильтимос, ушбу видеонинг 7.17
дақиқасидан бошлаб маҳаллий
амалдорларнинг бир бева аёлни,
оддий фуқарони қай тарзда
таҳқиrlашларини томоша қилинг:
<https://www.youtube.com/watch?v=QRc3RGx-r7E>

Мен Дилдорани яхши танийман.
Бева ҳолига, ногирон аҳволига
бир ўғил, бир қизини гўзал хулқли
қилиб вояга етказган.

У журналист.
Жуда чиройли, юракка яқин
шеърлар ёзади.

Ҳамиша Дилдоранинг
шеърларига ҳавас қилганман.

Мабодо унинг тани сиҳат,
молиявий “салоҳият” бўлганида
эди, шоидалар кироличаси Ҳалима
Худойбердиева билан бемалол
беллаша оладиган етук шоира
бўлиб етишарди....

Бева аёлнинг, ногирон бир
аёлнинг уйига бирлари шифокор,
бирлари милиса формасида
бостириб кирган бу босқничиларни
кўринг!!!!

Видеони кўздан кечиранман, бошимдан кечирган таҳқири
кечмишларим кўз олдимда қайта тикланиб, титраб кетдим:
Бунингдек хўрлик бу мамлакатда ҳақиқатни айтган, еб тўймас
мансадборларнинг ҳақиқий баҳарасини фош этишга журъат
этган ҳар бир жасоратли ҳалқ вакилининг қисмати. Худди мана
шу тоифадаги босқинчилар гурухи мен истиқомат қилаётган уйга 10
кишилашиб, худди мана шу тақлид нақд тўрт бор жинояткорона
бостириб киршган. Худди мана шунингдек мол-мулкларни
талаш вақтида мени ҳам, (айнан
мени, камера “кўзи” фақат менга



МИРЗИЁЕВНИНГ КЎЗИ ҚАЕРДА?!

катарилганди) биргина ўзимни тасвирга олиб туришган: 3-4 нафар фуқаро кийимидағи суд ижроҷилари отлик каззоблар, 3-4 нафар миршаб, маҳалла поспони, маҳалла оқсоқоли, маҳалла маслаҳатчиси, камига “уйини шилиб кетаётганимизда юраги “приступ” бериб, ўлиб-нетиб колмасин, нақд балога қолиб кетмайлик” деган ташвишда (ўзларининг жинояткорона характеристари оқибатини билишадида!), ўз жонларини ўйлаб ўзлари билан “Тез ёрдам” машинаси, оқ ҳалатли шифокорларни ҳам етаклаб келишган.... Нақд тўрт маротаба мен истиқомат қилаётган уй гарчи қонунан ўзга шахснинг хусусий мулки ҳисобланса-да, буни била турниб, хонадондаги кўлига илинган нарсани олиб, тепа қаватдан патсга югуришган.... Худди ўғрилар каби.... Даҳшатнинг ўзиганси!

Яхши, бу тасвирда лоақал Дилдорага тасврига туширишга изин беришибди. Телефонда гаплашишига кўнишибди. Гарчи тасвир ортида камерага отилсаларда, яхшиямки, уларнинг бу жинояткорона ҳаракатларини тасвирга олиб, улгуршибди....

Улар мен истиқомат қилган хонадонга келишлари биланоқ кўлимга чанг солишган ва қўл телефонимни тортиб олишган, уй телефонининг симларини

кўча безорилар каби бир тортиб, ўзиб ташлашган, миршаби мени бурчакка олиб турган!: Гуё бу хонадон уларнинг измида. Улар босқинчи. Гуё ўзга мамлактани ишғол қилишгану, бегона музофот уларнинг измида. Истаганларини қилишган. Суратга олишни истаганимда, фотоаппаратни икки бўлак қилишган.... Ўзларини чинакамига босқинчилардек, ашаддий жиноятчилардек тушишган.... Эсласам, ҳалигача ўзимни бир тўда ашаддий жиноятчилар чанглига тушиб қолгандек сезаман ўзимни.... Мен якка эдим, ёлғиз эдим, улар, қоринбойлар ўнлаб эди....

Мана бу тасвирдаги қоринбойни кўринг! Шу савлатига кучи бир аёлни кичик камерани кўтариволиб тасврига туширишга етганини қаранг! Савлатниям увол қилди бу қоринбой! Бу қорин кимларнинг ҳаққини ейиш эвазига қаппайганини Худо билади! Бир аёлни қақшатгандан кўра, билакдаги кучингни далага чиқиб кетмон чопишга сарфлаганинг яхши эмасми дейдиган мард йўқ!

Кўрмайсизми, бир журналистнинг унини ўчириш учун ҳукуматнинг бутун бир бошли “армия”си сафарбар этилган!

Нима учун?

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

Бир адолатталаб аёлнинг наинки унини ўчириш, овозини буғиши мақсадида суд томонидан солинган ноқонуний жаримани ундириш учун, балки Дилдоранинг сафдошлари кўпайиб кетмаслиги учун! Боймуродова мисолида унинг издошлари кўзларини кўркитиб кўйиш учун!

Ўзбекистон хукуматининг адолатталабларга “молиявий босим” ўтказиш тактикаси мавжудки, кимда-ким ҳақ-хукуқини талаб қиласа, амалдорларни танқид этса, хукуматнинг “молиявий хуружи”га учрайди.

Навоий вилоятининг Кармана туманида истиқомат қилувчи Дилдора Боймуродова ҳам хукуматнинг “молиявий “атака”сига” учраган журналистлардан бири...

Бугунги кунда Ўзбекистон хукуматининг қудрати билан “Ватан хоини”, “Халқ душмани” деган сўзларнинг туб, асл маъномазмуни куч билан ўзгартирилган: айни дамда Узбекистон хукуматининг тасаввури ва наздида “Ҳақталақ” киши “Халқ душмани”, “Адолатталаб” одам “Ватан хоини” саналади. Ҳақ-хукуқ сўрадингизми, амалдорларнинг қилмишларига танқидий назар ташладингизми, тамом: Сизга “Халқ душмани”, “Ватан хоини” тамғаси босилади.

Ана ундан кейин номингиз кора рўйхатларда! Умр бўйи рангингиз чикмасдан таъқибу тайзиқда юраберасиз, босимлар остида қолаберасиз... Додингизни “додангиз” ҳам эшитмайдианаундан кейин. Негаки, сиз амалдорнинг “думини босган” “Халқ душмани” Сиз. Негаки, сиз президент Мирзиёевнинг “портали”га шикоят қилган “Ватан хоини” Сиз! Билингки, сиз амалдорнинг устидан арз қилиш учун Шавкат Мирмоновичнинг қабулини сўраган “Халқ душмани” Сиз! (Аслида, босар-тусарини билмай қолган амалдорнинг душманисиз. Аммо сиртларига сув юқтиришни истамаган мансабдорлар юкорига бўрттириброк айтишади, омон қолишлари керак-ку ахир!)

Мен нима учун юкорида “фуқаро кийимидағи суд ижрочилари отлиқ каззоблар” дедим. Бу беҳуда айтилган гап эмас. Бу юзсиз суд ижрочиларини кўрмайсизми?: суд томонидан ноқонуний тарзда жаримага тортилган бева, ногирон аёлни “суд қарорини ижро этиш”

ниқоби остида “талаш” мақсадида уялмасдан келиб ўтириби!

Биласизми, Навоий вилоятида, нафақат Навоийда, Респубилкамизда оқибатсиз отасидан ўйнийлабалиментоломай ётган болалар қанча? Биласизми, “алиментчик” оталарнинг бўйнида қанча қарздорликлари бор? То фарзанди 18 ёшга етгунга қадар тўламасдан қочиб юрганлари бир талай! Бу ёқда “мамлакатнинг эртаси” деб аталгувчи гўдаклар оч, юпун! Бироқ бу безбет суд ижрочиларининг кўзи алимент тўламай, қочиб юрган оталарни кўрмайди. Қарздорликлари миллионларни ташкил этса-да! Негаки, ОТАлардан оларини олиб қўйган! Гўдаклар оч қолса, колсин, бироқ ижрочи “юпун” қолмасин!

Қанчадан фанча фуқаролар “Суд қарорига асосан уйга киритиб кўйишларини” кутиб суд ижрочиларини интиқ кутиб ўтиришибди. Бироқ йиллаб ижро йўқ! Нега? Чунки, иккинчи томон ижрочига “тортиғи”ни “тўлаб” кўйибди.

Яна бир бечора ўз уйини ноконуний “ишғол” қилган кимсаларни суд қарорига кўра чиқариши керак. Бироқ, суд ижрочиларини кута-кута кўзлари толган, умри ҳам охирлаб қолган!

Товламачидан қўли билан берган пулларини ололмай, қозилашиб, қарор олганлар қанча! Бироқ, қарор қўлларида-ю, пулларини ундириш учун ижрочи йўқ, ижро йўқ! Негаки, товламачи ижрочини “тоблаб” кўйганига кў-ўўп бўлган!

Давлат бюджетидан миллиард-маблағларни ямламай ютиб кўйиб, суд хукмига кўра қайтаришга мажбур бўлганлар кўп. Бироқ, суд ижрочисиман деганларини давлат маблағларини туха қилганлар қизиқтирилди. Ижроси ҳам. Негаки, улар “Халқ душмани” эмас, чунки улар “Ҳақиқатчи” эмас.... Хукумат раҳбарларининг (каттасидан тортиб майдасига қадар) думини босиб олган эмас улар. Улар бор йўғи молиявий талон-тарожликка йўл кўйган шунчаки майда ўғрилар.... Шу саба уларга тегишли суд қарорлари ўз ижросини ва ўз ижрочисини йиллаб кутади. Ҳатто ижро бўлмасдан қолиб кетиши ҳам мумкин. Суд ижрочиси шундай шахски, конунни резинка каби чўзади. Резинка эса, кимнинг кучи кўп бўлса, кимда қутрат бўлса, ўша томонга чўзилади!

Ўзбекистон хукуматидаги суд

ижрочиларининг фақат биргина юмушлари бор: адолатталаб журналистларни, хукуқбонларни талаш! Ҳақ-хукуқни сўрайдиган қаламкашлар, хукуқбонларга оид суд қарорлари ижросини тезлашиши, шилиш! Бунинг учун бутун бир бошли ҳокимият “аскар”ларини – милиса, поспон, маҳаллаком, маслаҳатчи..., “домком”, “партком”, “подъездком” кабилардан иборат “армия”сини обьект устига ташлаш, Дилдора кабиларни силласини қутиш учун сафарбар этиш!

Эй, Худо!

Қандайин кунларга қолдик??

Қандайин кўргилик бу??

25 минг сўмлик ногиронлик нафақаси билан болаларини қандай боксин бу бева бечора?

Боалари қаердан иш топсин ҳақпарвар журналистнинг?

Бу давлат ўз фуқароларидан нима истайди ўзи?

Ҳақ-хукуқини танийдиган ҳар қандай аҳоли қатламини таъқибу таҳдидлар остида хўрлашними, ҳолдан тойдиришними, Ватанидан кувиб солишними, Ватангадо қилишними?

Нима истайди хукумат ҳақни таниган ҳалқдан?

Кувфин қилишними?

Нега?

Ўзгаларнинг ҳам “кўзини очиб қўймаслиги” учунми?

Ҳақ-хукуқни билмаган оммани бошқариш сонлиги учунми?

Нега?

Бир ногирон, бева аёлга зўғум килишдан уялмайдими бу хукумат!

Ўзбекистон хукуматига шармандали ҳолат эмасми бу?!?

Янги президент қаерга қарайти?

Нега оддий фуқаросини хўрлатиб қўйяти?!

Нега бева, ногирон бир журналист аёлга бу қадар кескин хужум бўляяти?

Каримов вафотидан кейин Мирзиёев таҳтга келиши мумкинлиги эҳтимоли ўрмалаб қолган кезларида “Озодлик” радиосигаа “Халқ ёмғирдан қутилиб, довулга тутиладими?” деб Навоий вилоятахолиси саросимада” деб интервью берганлиги сабабли ҳам сазоий қилинаётгандир балки, ким билсин?....

Эҳтимол, бир ногирон журналистсга бўлаётган хадисиз босимларнинг боши бу ёқдадир?:

https://www.youtube.com/watch?v=NsXc_UN38sM

Малоҳат Эшонқуловага мустақил журналист, хукуқбон



Андижон қирғини

Андижон қирғини билан боғлиқ воқеалар йил ўтган сайин хотиралардан кўтарилаётгани, воқеа гувоҳлари ҳам тафсилотларни унитишга ҳаракат қилаётгани кузатилмоқда. Шу боис Андижон қирғини билан боғлиқ асосий саволлар жавобини OzodJavob орқали бир жойга тўплашга ҳаракат қилдик.

Андижонда 2005 йилнинг 13 майда нима бўлган?

Андижон. 12 майдан 13 майга ўтар кечаси. Акрамийлик гурухига аъзоликда айбланиб, судланаётган 23 кишининг қирқтacha якини патруль-пост батальонига ҳужум қилиб, у ердаги куролларни қўлга киритди. Сўнгра улар шаҳардаги ҳарбий қисмга ҳужум уюштириди. Кейин қамоқхонага ҳам ҳужум қилиниб, у ердан судланаётган 23 киши ва бошқа маҳбуслар озодликка чиқариб юборилди. Ўша куни ярим тунда вилоят ҳокимлиги биноси эгалланиб, шаҳар прокурори, солиқ инспекцияси бошлиғи ва бир қанча ҳарбийлар исёнчилар томонидан гаровга олинди. Расмийлар берган маълумотга кўра, ўша тунда 9 ҳарбий ҳалок бўлди.

Андижон 13 май. Эрта тонгдан вилоят ҳокимлиги биноси олдига андижонликлар йигила бошлади. Майдон эса ҳукumat қўшинлари томонидан ўраб олинди. Тушдан сўнг майдонда, норасмий маълумотларга кўра, 10 мингга яқин одам йигилди. Одамлар ҳукumat ва Президент истеъфосини талаб қила бошлади. Кечкурун соат 18 лар атрофида отишма бошланди. Одамлар уч томонга бўлиниб

кочди. Президент Ислом Каримов кейинчалик ўtkазилган матбуот анжуманида одамларга қарата ўт очишга буйруқ бермаганини айтди. Исёнчилар эса ҳарбийлар БТРлардан ва автоматлардан ҳаммани бир чеккадан ўққа тутганини билдириди.

Андижон қирғинида неча одам ўлдирилди?

2005 йил 13 май куни Андижоннинг Бобур майдонида содир бўлган қонли воқеаларда расмий Тошкент ҳисобича 187 киши, жумладан, аёллар ва болалар нобуд бўлган.

Норасмий манбаларга кўра, Андижон хунрезликлари оқибатида 1000дан зиёд одам ҳалок бўлган.

Бобур майдонидаги қонли фожиадан кейин ҳалқаро жамоатчилик мустақил текширув ўтказишини талаб қилган, бироқ расмий Тошкент рад этган. Шу тахлит, юзлаб одам кирғинбарот қилинган 13 май фожеаси йиллар оша сиру синоатларга кўмилганича қолмоқда.

Андижон қочқинлари кимлар ва улар қаерда?

13 май куни ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун юзлаб андижонликлар қўшини Қирғизистонга қочишига мажбур бўлди.

Бир неча ой ўтиб БМТ Қочқинлар идораси кўмагида 500га яқин андижонликлар Руминияга ўтказилди. Кейинчалик қочқинларга дунёning турли мамлакатлари, жумладан, Швеция, АҚШ, Канадакаби сиёсий бошпана берилди.

Акрам Йўлдошев ким?

2004 йил июнидан бошлаб Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати томонидан биттамабитта ҳибсга олинган андижонлик 23 тадбиркорнинг яқинлари, ҳамкаслари бошлаган намойишлар пировардида 13 май воқеаларига элтган эди.

Расмийлар “акрамийлар” деб атаган, бу атамани ўзлари тан олмайдиган, лекин Акрам Йўлдошевга алоқаси борлигини инкор этмайдиган андижонлик тадбиркорлардан 23 нафари 2004 йилнинг июнидан бошлаб биринкетин қўлга олинди ва бир неча ой давомида сўроқ қилинди.

Акрам Йўлдошев 1963 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Андижон қирғинидан сўнг А.Йўлдошевнинг терговда берган кўрсатмаларига кўра, у дастлаб 1998 йилда 2,5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Амнистия бўйича озодликка чиққандан сўнг иккинчи марта 1999 йилда 17 йилга қамалган. Жазони ўташ муассасаларида сил касалига чалинган. 2003 йил октябрида Тошкентдаги жазони ўташ муассасаларининг умумий шифохонаси бўлган 64/18-қамоқхонага келтирилган.

2004 йилда Акрам Йўлдошев ва унинг шерикларига қарашли 11 корхона ёпилиб, уларнинг раҳбарлари ҳибсга олинган.

А.Йўлдошев ўз кўрсатмасида Андижон туманининг Оқёр қишлоғида акрамийлар ва милиция ходимлари ўртасидаги жиҳдий жанжалдан сўнг жиҳод бошлашга фатво берганини таъкидлаган.

23 тадбиркор қаерда?

12 майдан 13-га ўтар кечаси Андижон турмасига қилинган ҳужумдан сўнг бошқа маҳкумлар қатори 23 тадбиркор ҳам қамоқдан озод қилинган эди.

Ўша куни қамоқдан чиқиб кетган 23 кишининг 15 нафари кейин яна қўлга олиниб, қамалган, бири қазо қилган, яна бири бедарак йўқолган.

Баъзилари Андижонни ташлаб чиқишига улгурмаган, баъзиларини Ўзбекистон маҳсус хизмати қўшини давлатлардан ушлаб олиб кетган.

Шу кунда ҳам улар қамоқда. Ҳар ҳолда бу гапни инкор этадиган бошқа маълумот йўқ.

23 тадбиркордан 6 нафари дунёning турли бурчакларидан

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)



сиёсий бошпана олишган. Улардан бири Швецияда, уч нафари Холландияда, бири Финляндияда, яна бири АҚШда яшайды.

Андижон қирғини бүйича санкциялар?

2005 йил ноябр: Европа Кенгаши Ўзбекистон хукуматига нисбатан санкция жорий килиді. Бир йиллик мұддатта жорий килинган жазо чораларининг биринчи пункти ўлароқ, Андижонда намойишчиларга қарши ёппасыга ўт очиш ва номутаносиб күч ишлатилиши учун масъул бўлган ҳамда қонли воқеалар юзасидан мустақил тергов ўтказилишига тўсқинлик қилаётган Ўзбекистон расмийларининг Европа иттифоқи ҳудудига киритилиши тақиқланди.

Қора рўйхатга Ўзбекистон президенти киритилмаган бўлсада, унга ўша пайтдаги Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов, Мудофаа вазири Қодир Ғуломов, ҳозирда ҳам амалда қолаётган Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов каби расмийларининг исмлари киритилган эди.

2006 йил ноябр: Европа кенгаши Ўзбекистондаги инсон хукуклари вазиятнинг яхшиланмагани ва қонли воқеалар юзасидан мустақил текширув ўтказишга имкон берилмагани боис санкциялар жумласидан виза чеклови олти ойга, курол эмбаргоси бир йилга узатирилди.

2008 йил ноябр: Андижонда намойишчиларга қарши ёппасыга ўт очиш ва номутаносиб күч ишлатилиши учун масъул бўлган ҳамда қонли воқеалар юзасидан мустақил тергов ўтказилишига тўсқинлик қилаётган Ўзбекистон расмийларига нисбатан жорий килинган виза чеклови бутунлай бекор қилинди.

2009 йил ноябр: Санкциялар рўйхатида қолаётган курол эмбаргоси ҳам бекор қилинди.

Манба: "Озодлик" радиоси

Россия Туркияга нисбатан жорий этилган чекловларни олиб ташлади

Туркия Россия ҳарбий учогини уриб туширганидан кейин Туркияга нисбатан жорий этилган деярли барча чекловлар олиб ташланди, деб айтган Президент Владимир Путин.

Туркия Президенти Ражаб Тойиб Эрдўғон ва Россия Президенти Владимир Путин 3 май куни Қора денгиз соҳисидаги Сочи шахрида музокаралар ўтказганлар.

Президент Путин ва Президент Эрдўғон матбуот анжуманида журналистлар саволларига жавоб қайтарганлар.

"Сиз бундан олдинроқ чекловларни олиб ташлаш ҳақида қачон гапиришимиз мумкин деган саволни берган эдингиз. Бугун гапиришимиз мумкин", деб айтган Россия Президенти.

"Биз чекловларга боғлиқ ҳамма муаммоларни ҳар тарафлама ҳал этишга келишиб олдик", деган жаноб Путин.

Москва ва Анкара ўргасидаги муносабатлар 2015 йил ноябринда Сурия-Туркия чегарасида Россия қиরувчи учоги уриб туширилгани сабабли ёмонлашган эди.

Бу ходисани Россия Президенти Владимир Путин "орқага урилган пичоқ" деб таърифлаган эди.

2015 йил охиридан Россия Туркияга нисбатан қатор жазо чораларини жорий этди.

Хусусан, Туркияда этиштирилган мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотларини Россияга олиб кириш тақиқланди.

Россиядан Туркияга



самолётларнинг чартер парвозлари бекор қилинди.

Туркия фуқароларига виза тартиби яна қайтадан жорий этилиб, Туркия соҳилларидаги дам олиш масканларига россиялик сайёхларнинг боришилари тақиқланди.

3 май куни Президент Путин Туркия помидорларини Россияга олиб кириш тақиқи ва Туркия фуқароларига виза талаби ҳозирча кучда қолишини маълум қилди.

Бу чекловлар қачон олиб ташланишини айтмаган Россия раҳбари.

Президент Путин айтишича, россиялик дәхқонлар Туркия маҳсулотларига чекловлар киритилганидан кейин қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш учун банклардан йирик кредитлар олганлар ва хукумат ўз дәхқонларининг касодга учрашини хоҳламайди.

"Мана энди биз аниқлик билан Россия-Туркия алоқаларини қайта тикилаш даври тугагани ҳақида гапиришимиз мумкин. Биз нормал шериклик ҳамкорлигига қайтмоқдамиз", деган жаноб Путин.

Ўтган йили Президент Путин Россия хукуматига Туркия билан муносабатларни яхшилаш чораларини кўришга фармон берган эди.

Сочидаги музокаралар пайти Туркияда "Аққую" АЭСини барпо этиш ва Суриядаги вазият ҳам муҳокама этилгани хабар қилинмоқда.

Президент Путин айтишича, Россия АЭС қурилишига 22 миллиард доллар сармоя киритади.

"Аққую" АЭСини 2017 йил ёзида қуришни бошлаш ва икки йил давомида фойдаланишга топшириш режалаштирилгани айтилмоқда.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Ўзбекистон Президентининг қарори билан 1 майдан бошлаб Ички қўшинлар Ички ишлар вазирлиги ихтиёрига қайтарилиди.

Бу ҳақда Ички ишлар вазири Абдусалом Азизов 2 май куни Тошкентдаги Халқаро пресс-клубда ўтказилган брифингда



– Агар бу хабар рост бўладиган бўлса, буни Шавкат Мирзиёевнинг МХХ раиси Рустам Иноятовга қарши катта бир ҳаракати, деб қабул қилиш мумкин. Чунки милиция собиқ ИИ вазири Зокиржон Алматов давридагидай қуролланган кучли қўшинларига эга бўлди. Бу ҳолатда

1 майдан бошлаб Ички қўшинлар Ички ишлар вазирлиги ихтиёрига қайтарилиди

баёнот берди. Таҳлилчилар 2005 йилги Андижон воқеаларидан сўнг Ички ишлар вазирлигидан Миллий хавфсизлик хизматига ўтказиб берилган қўшиннинг аввалги “эгаси”га қайтарилишини ИИВнинг кучайтирилиши, деб баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Абдусалом Азизов 2 май куни ички топшириклар қўшинларини Ички ишлар вазирлиги сафларига қабул қилиб олиш якунлангани тўғрисида баёнот берди.

Бу ҳақда хабар хабар қилган нашр Азизовнинг баёнотидан иқтибос келтириди:

“Президентнинг қарори билан бу қўшинлар бизга қайтариб берилди. 1 майдан бошлаб улар юридик жиҳатдан тўла Ички ишлар вазирлиги ихтиёрида”, деган жумладан Абдусалом Азизов.

Ички ишлар вазирлиги расмий сайти кўчириб босган УЗА агентлиги хабарида Ички қўшинларнинг ички ишлар вазирлигига ўтказиб берилгани тўғрисида айтилмаган.

Кутилаётган яна бир ўзариш

Вазир, шунингдек, яқин вақт ичидаги Ички ишлар вазирлиги хузурида маҳсус топширикларни бажарувчи тезкор отрядларни шакллантириш устида иш бошланажаги, бу масалада мамлакат раҳбариятининг яна бир қарори чиқиши кутилаётганини айтган.

Вазирнинг изохи

Хабарда айтилишича, вазир Азизов 2 май куни ўтказилган брифинг чоғида ўзи бошқараётган вазирликнинг турли таҳдидлар, жумладан терроризм ва диний экстремизмга қарши қарши туриш имкониятлари тўғрисида айтган.

Ички ишлар вазирининг

айтишича, мамлакатдан ташқарида бўлиб қайтган баъзи фуқароларнинг ватандошларига салбий таъсирининг олдини олиш бўйича тезкор-тергов амалиётлари ўтказилмоқда.

Лекин бу гаплар билан Ички қўшинларнинг вазирлик таркиби киритилиши орасидаги боғлиқликни Абдусалом Азизов қандай изохлагани хабардан тушунилмайди.

Таҳлилчилар: ИИВ кучайтирилаяпти

Вазирнинг баёнотидан келтирилган иқтибосда Ички қўшинларнинг “қайтариб берилгани” тўғрисида айтилар экан, кимдан (қайси идорадан) қайтариб берилгани ҳам тушунарсиз қолган.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати собиқ зобити Икром Ёкубовнинг Озодликка айтишича, Ички қўшинларнинг Ички ишлар вазирлиги таркиби киритилиши бу қўшинларнинг Миллий хавфсизлик хизмати таркибидан чиқарилаётганини англатади.

Ички ишлар вазири баёноти замиридаги воқелик ҳақида фикр юритаркан, Ёкубов бундай деди:

– Ички ишлар вазирлигининг ўз армияси бор эди. Ўша қўшинлар 2005 йилги Андижон воқеаларидан кейин МХХ раиси Иноятовнинг ташаббуси билан, Каримовнинг буйруғига биноан МХХга олиб берилган. Бу воқеа Андижон воқеаларидан 1 йил ўтиб, 2006 йилда содир бўлган, – деди Икром Ёкубов.

Ички қўшинлар Ички ишлар вазирлигига МХХдан олиб берилгани тўғрисида 2 май куни regnum сайти ҳам ёзди.

Ички қўшинлар нима учун МХХ ихтиёридан чиқарилиб, ИИВга ўтказилди? Озодликнинг бу саволига жавобан фикр юритар экан, Икром Ёкубов бундай деди:

милиция билан МХХ ўртасидаги кучлар нисбати тенглашди, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати собиқ зобити Икром Ёкубовнинг айтганларига ўхшаш фикрларни Озодлик билан микрофонсиз сұхбатда Ички ишлар вазирлигининг собиқ мулозими ҳам билдириди. “Мирзиёев Ички ишлар вазирлигини кучайтираяпти”, деди исми айтилмаслигини сўраган собиқ мулозим.

Ички қўшинларга оид қарор матни ҳозирча эълон қилинмади

ЎЗА агентлиги сайтининг “Хужжатлар” рукнида 2 май куни Ўзбекистон Президентининг бир неча қарори эълон қилинди, лекин улар орасида Ички қўшинларни Ички ишлар вазирлигига ўтказиб беришга оид қарор матни йўқ.

Январда тайинланган вазир

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 3 январда генерал-майор Абдусалом Азизовни Ички ишлар вазири этиб жорий йил 3 январида тайинлаган эди.

Вазирликни 2013 йилдан бўён бошқариб келган Адҳам Аҳмадбоевнинг хукуқ-тартибот органлари бўйича президент давлат маслаҳатчиси лавозимига тайинлангани айтилган.

56 яшар Абдусалом Азизов 2009 йилнинг май ойидан бўён Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлифи бўлиб ишлаган.

22 йиллик раис

Жорий йил ёзида 73 ёшга тўладиган генерал-полковник Рустам Иноятов Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини 22 йилдан бўён бошқариб келади.

Манба: “Озодлик” радиоси

Апрел ойи илк хафтаси янгиликларига қаралса, Марказий Осиё Исломий терроризм “ўчоги” деган тасаввур келиб чиқиши мумкин эди.

Санкт-Петербургда кирғизистонлик метрода хужум уюштириб, 14 кишини ҳалок этди. Бир неча кундан сўнг, ўзбекистонлик Стокгольмда юқ машинасини савдо марказига бориб урди, 4 кишини ўлдирди.

Турли маълумотларга кўра, охирги 5 йил мобайнида Сурия ва Ироққа сафар қилиб ИШИД сафига қўшилган Марказий осиёликлар сони тахминан 2 мингдан 4 минг



МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК МУҲОЖИРЛАР РАДИКАЛЛАШУВИГА САБАБ НИМА?

нафарга қадар...

Марказий Осиёликлар 2015 ва 2016 йилги Истанбулдаги хужумларга ҳам алоқадор эдилар. Лекин охирги ҳодисалар уларнинг радикаллашуви муаммосига янада кўпроқ эътиборни тортди.

Таҳлилчилар муаммонинг “илдизи” сифатида минтақада ноанаъанавий радикал Исломнинг бош кўтаргани, қашшоқлик ва демократия йўқлигига ишора этадилар.

Аммо минтақадаги айнан ана шу – диний, иқтисодий ва сиёсий омиллар терроризмнинг хорижга “экспорт” қилинаётгани сабаб эканига далил-исбот йўқ.

Биринчидан, Марказий Осиёнинг ўзида “терроризм” жуда кам. 2001-2015 йиллар жаҳон бўйлаб қайд этилган 85 минг терроризм ҳолатларидан атиги 62 таси Марказий Осиёда рўй берган.

Минтақада бошқа мусулмон давлатларида бўлгани каби яхши ташкиллаштирилган исломий экстремист ташкилотлар йўқ.

АҚШ томонидан “террорчи” деятан олинган 61 ташкилотдан атиги 2 таси – “Ўзбекистон Исломий Ҳаракати” ва “Исломий Жиҳод Уюшмаси”нинг Марказий Осиё билан алоқаси бор.

Иккинчидан, минтақадаги “ақидапараст” саналган мусулмонлар, сиёсий тазиикә учраганлар ва камбағалларнинг жуда кам қисми зўравонликка кўл уради.

Алоҳида ҳолатларни эса умумий ўйналиш сифатида тақдим қилиб бўлмайди.

Бундан ташқари, террорчиликнинг ушбу

“илдизлари” ҳам савол остида.

Айтиб ўтилганидек, исломчи ташкилотларнинг минтақада таъсири катта эмас.

Марказий Осиёлик “террорчилар”нинг жуда кам сонлиси ашаддий диндор бўлишган.

Масалан, 2012 йили тоҷикистонлик Аҳтам Олимовнинг ИШИД сафларидағи видеоси чикканида оила аъзолари ҳайратга тушишганди.

Кўшнилар ва унинг онаси фарзанди Россияга кетгунига қадар ҳеч тақводор бўлмаганлигини айтган.

ИШИД сафларига қўшилган тоҷикистонлик Бобоҷон Курбоновнинг ҳам яқинлари қандай қилиб жиҳодга қўшилиб колганлигини тушунмасликлари ҳақида гапиришган.

Бир нарса аёнки, ИШИД сафлариға тарғиб қилинган Марказий Осиёликларнинг жуда кам қисми минтақанинг ўзида радикаллашган.

Ҳам Санкт-Петербург ва ҳам Стокгольмда хужум содир этганлар ватанларини анчайин аввал тарқ этишган. Кетишдан олдин улар радикаллашгани ҳакида далиллар мавжуд эмас.

Демак, минтақадаги радикализмни маҳаллий омиллар очиқламаётган бўлса, хорижда уларнинг жиҳодий ташкилотларга қўшилишларига нима сабаб бўлмоқда?

Бу саволга жавоб топиш мушкул. Ҳар бир жиҳодчининг ўз “тарихи” бор. Ҳаммани экстремистик гурухга қўшилишга унданаган бир умумий омилни келтириш имконсиз.

Муҳожирларнинг аксари

яккаланиш, оиласдан ажралиш ва шахсий руҳий мушқулларига юз тутадилар. Бу ўз навбатида уларни террорчи-тарғиботчилар учун “осон нишонга” айлантиради.

Уларнинг аксари террорчи гурухга мажбурлаб киритилмаган. Кўп ҳолларда ўзлари саргузашт илинжида ёки “биродарлик” билдириш ниятида бўлганлари айтилади.

Аммо икки омил кўпроқ кўзга ташланади.

Биринчидан, Маразий Осиёдан муҳожирликнинг миқёси, демографияси ва бошларидан кечаётган ҳодисалар тан олиниши, эътибор қаратилиши керак.

Исломий тарғиботчилар хорижда ишлаётганларни нишонга олмоқдалар.

5 миллиондан 7 миллионга қадар марказий осиёлик Россияда яшаб ишляяпти. Улар аксар ҳолларда оиласдан узоқ, кунда иқтисодий мушқулларига юз тутишади. Ирқчилар ва давлат хизматчиларининг таҳдид ва таҳқиқлашларига дуч келадилар.

Мехнат муҳожирлиги баъзилар учун янги имконларни яратмоқда, лекин ҳамма учун эмас.

Улар муҳожирликка йўл олган аксар давлатлар дунёвий ва уларнинг мусулмон эканликлари мезбон давлатда хавфсизликка таҳдид сифатида талқин қилинади.

Бироқ миллионлаб муҳожирлардан саноқлисигина жиҳодий ғояларга бериладилар. ИШИД томонидан ёлланган тоҷикистонликларнинг 80 фоизи Россияда бўлган вақтлари бу

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

йўлга киришган. Бундан ташқари, ёлланганларнинг кўплари, яъни деярли ярми ўқимишли инсонлар бўлишган.

Иккинчи омил, Россия ва Марказий Осиё давлатлари томонидан олиб борилаётган хавфсизликни таъминлаш сиёсати муаммонинг ечимидан кўра, уни келтириб чиқарувчи омили бўлиши мумкин.

“Чегарасиз диктаторлар” дея номланган китобда айтилишича, Марказий Осиё хукуматларининг Россия, Европа ва бошқа ерларда ўз сиёсий ё-да, диний, тинч ёки зўравон рақибларини тазайқ остига олиш тактикаси халқаро хавфсизликни таъминлашдан кўра, режимни сақлаб қолиш мақсадига эга.

Шунинг учун хорижда терроризмнинг олдини олиш вазифасини ўз олдига қўймайди.

Марказий Осиёлик сиёсий муҳожирлар устидан тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон ва Тажикистан каби давлатлар уларга қарши харакатларида тобора шафқатсиз ва фаолроқ бўлиб боришмоқда.

Бу эса ўз навбатида уларни айнан қарши курашиб мақсадида зўравон экстремист ташкилотлар сафларига итармоқда.

Бу давлатлар кўллаётган тактика ИШИДга қарши курашда не қадар самара берётганини айтиш қийин, лекин тахмин қилиш мумкинки, бу тактика ИШИД сафларига “ёллаш” тактикаси сифатида иш бермоқда.

Ёш йигитларнинг ўз ўринларидан кўчишлари ва яккаланиб қолишлари каби икки омил

Марказий осиёликлар нима учун террорчиликка кўл ураётгандарини тушунтиришга ёрдам бериши мумкиндири.

Аммо бу жараён ҳақида биз хануз жуда кам маълумотга эга эканлигимиз ва хануз кам учрайдиган холат бўлиб колаётганини тан олишимиз керак.

Санкт-Петербург ва Стокгольмдаги террорчилар Кирғизистон ёки Ўзбекистонни тарк этётган вақтлари террорчи эмасдилар.

Шунинг учун уларнинг радикаллашиб илдизларини фақат Марказий Осиёдан эмас, ўтиш жараёнида юз тутган ҳолатларидан излаш мухимроқдир.

**Эдвард Лемон,
Жон Хезершоу**

Манба: Би-би-си Ўзбек



БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари: “Андижон қурбонлари унутиласлиги керак”

Ўзбекистонга сафар килган Бирлашган Миллатларнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн 2005 йил майдаги Андижон воқеалари қурбонларини унутмаслик ва бу воқеаларга холис баҳо беришга чақирган.

Тошкентдаги матбуот анжуманида гапирган БМТ мулозими Андижондаги “даҳшатли воқеалар қурбонларининг саволларига жавоб топилиши кераклиги”ни таъкидлаган. “Шанба куни Андижондаги даҳшатли воқеаларга ўн уч йил тўлади. Олдинга қарабюриш мухим бўлгани ҳолда, ўтган воқеаларга баҳо бериш, қурбонларни унутмаслик ва

уларнинг саволларига жавоб топиш ҳам шунчалик мухим”, – деб айтган Зайд Раад ал-Хусайн.

У Андижондаги воқеаларга аниқ тавсиф бермаган ва қонли воқеалар юзасидан мустақил текширув ўтказишига чақирмаган.

Халқаро инсон ҳақлари ташкилотлари 2005 йил 13 майда Андижонда юз берган воқеаларни “қирғин” деб тасвирлаганлар.

БМТ, АҚШ ва Европа Иттилоғи Ўзбекистон хукуматининг аксарияти қуролсиз намойишчиларга қарши ҳаддан ташқари куч ишлатганини қоралаган ва воқеалар юзасидан мустақил текширув олиб боришга чақирган.

Ўзбекистон ҳукумати ушбу ҷаҳирикларни рад этган.

Расмийларга кўра, Андижонда аксарияти террорчилардан иборат 187 киши ҳалок бўлган.

Мархум Президент Ислом Каримов ҳукумати воқеаларда Акромийлар диний гурухини айлаган.

Каримов даврида расмий Тошкент БМТ Инсон ҳукуклари бўйича Олий комиссарининг мамлакатга ташрифига изн бермаган.

Зайд Раад ал-Хусайн чоршанба куни Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашган.

У бир ярим соат давом этган учрашув ҷоғида “муштарак жиҳатларни топишгани ва бир қатор аниқ қадамлар борасида келишувга эришганликлари”ни айтган.

Мирзиёевнинг ислохотлар дастури, жумладан, адлия тизимидағи ўзгаришлар ва диний экстремизмни жиловлаш ҳақида фикр билдиаркан, БМТ мулозими бу жараёнда шахс эркинликларининг инобатга олинishi мухимлигини ургулаган.

“Бошқа мамлакатларда ҳам бўлгани каби, мен радикаллашув ҳавфини фақат қаттиқўл ҳавфсизлик чоралари ва репрессив сиёсат билан жиловлаб бўлмаслигини таъкидладим. Бу каби чоралар экстремистлар сафларига янги тарафдорлар ёллашни қулаштиради”, – деб айтган Зайд Раад ал-Хусайн.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Бизни юртимизни кўра олмайдиган ношукурлар: «кейинги 25 йилда нима ўзгариш бўлди?! Ўзбеклар бирор нарса ихтиро қилдими? Бутун дунё ривожланди лекин бизни юртда хеч қандай ўзгариш бўлмади», дейишади.

Холис ёндашиш йўқ! Нима эмиш, Япония техникада ақл бовар қилмас янгиликлар қилди, 850 км тезликада юрадиган поезд ишга тушди. Шундай роботлар яратди



Йигирма биринчи аср овқат технологиялари асли

гуручдан ўша машҳур сушисини роботлар тайёрлаяпти. Нима килипти энди шунга?

Бизда мустақилликдан олдин ўша гуручдан тайёрланадиган ошнимиз бир хил бўлар эди, сариқ ёки кизил сабзидан, тепасида икки бўлак гўшти бор оддий ош, эсласаларинг керак-а? Хозирчи? Ошни ўзини юз хилдан ошиқ тури бор, масалан: пистали ош, қазилик ош, қималик, каватаклик, беданали ва беданатухумли, оддий сабзини сариги ҳам қизили ҳам қўшиладиган ош.

Корейсларни макташади автомобильсозлик, мобил телефонлар ва ҳоказо. Балиқчиликда етакчи ўринда экан. Ҳа уни овлаган билан иш битадими? Шунча балиқ овлагани билан битта шу «хе» қилиб ейишни билади ҳолос. Уни бизга бер, минг бир хил қилиб пишириб ейимиз.

Ёки дунёга донғи кетган Американи олайлик. Нефть соҳасида, курол аслахада, автомобильсозликда эришаётган ютуқларини гапиради... Бундан 25 йил аввал Американи киноларида профессорларини кўрсатар эди, столни устида бир дунё китоб, китобдан кўзини узмасдан вақтини қизгониб “хот дог” заказ қилса, оддий булочкани орасига битта сосискани тикиб, курьер олиб келиб берарди. Хозирги киноларида ҳам шу аҳвол, ҳали ҳам столни устидаги китобдан кўзини узмасдан ўша “хот дог” еб ўтиради.

Биздаци: “Битта “хот дог” бервординг” десангиз, “қанақасидан? оддийми? двойнойми? сырлими? чипс солайми? гўштигиданми? Оби нонга тайёрлаб берайми ёки булочкагами?”, деган савонни беради.

Хўрандаҳам чакана эмас: “двойнойига, чипс билан сыр қўйиб, озгина гўштдан ҳам соворинг”, кўрдингизми? “сразу” янги ихтиро! Ошпаз ҳайрон: “ие, бу қанақаси бўлди энди?” деса, «микс», деб қўйинг дейди. Ошпаз ҳам хурсанд. 25 йил олдин кабоблар икки хил бўларди: “кусковой” ёки қиймали! Бўлди, бошқачасини хеч ким кўрмаган ҳам эшитмаган ҳам. Хозирчи? Ўрама, бурама, бурда, чўпкабоб, жигар, товук хуллас минг хил, кўряпсизларми у халклар эшақдек ишлаб еб турган нарсасини, бизда ишламасдан туриб шоҳона дастурхон. Мана буни ривожланиш дейди, биродар! Йигирма биринчи аср техника асли эмас, аксинча, йигирма биринчи аср овқат технологиялари асли.

Маросимларимизда аввал икки хил таом тортилган. Бири суюқ, бири қуюқ. Тамом! Ҳозир эса салат билан бошланади. Ўёги кетди... Сомса, суюқ, норин, қазиқарта, товук, балиқ, кабоб икки хилидан... Сўнггиси десерт билан тугайди. Энг қизиги эса ҳаммасини еб юборамиз.

Анча олдин эшитган эдим. Ҳаттоқи 1 килоси юз доллардан ош бор экан. Америкада минимал ойлик қанчалигини билмайману лекин бизда йигирма долларга етиб бормайди. Шу даражада овқатга меҳр қўйдикки, энг кам иш хаққи оладиган инсонни беш ойда оладиган пулини бир ўтиришда еб юборамиз! Энг мақтанадиган нарсамиз еб турган овқатимиз, ижтимоий тармоқда ҳам бошқа миллат вакилларини жуда камдан кам еб турган таомини расмга олиб қўйганини қўрамиз, биздаци? Ҳар учинчи одам қандайдир миллий таомимизни расмини кўз-кўз

қилади. Ёки, ўзгаларда к ўрганимизлар, “тофора.ру”, “шашлик.ру”, “торт.ру”, “свадебный плов” деган сайларни?

Дардимиз овқат, «сичқон сиғмас уйига, галвир боғлар думига».

“Топганимиз тўйларга буюрсин, дастурхонимиз тўқин-сочин бўлсин”, деган ота-боболаримизни дуоси ижобат бўлди. Топганимиз тўйларимиздан ортмаяпти.

Дастурхонимизга аранг етапти. Етмаганига қарз ҳам оляпмиз.

“Кунингдан бир кунинг колса ҳам ош е, пулингдан бир пулинг колса ҳам ош е” мақолларимиз ҳам ўзимизга ярашган. Одам туғилганда ҳам, ўлганда ҳам ош киламиз. Йигилсан ош атрофида йигиламиз. Факат ейиш-ичини, қоринни ўйладиган одам қўрқоқ бўлади! Эртага бошига бир иш тушиб ҳижрат қилиши керак бўлиб қолса, ёки қамалиб қолса, кочкинда қийинчилик айрилиқда юришдан, ёки қамоқда калтакланиб камситилишдан эмас, қорни оч қолиб кетишидан ташвиш қилади ҳолос.

Очофтада одам тўкин дастурхонни устида баландпарвоз гапларни гапиради: «битта майизни қирқ қиши бўлишиб еймиз» дегандек. Йўқчиликда қолса қирқ кг майизни бирорвга бергиси келмайдиган бўлиб қолади.

Ошқозон ҳар доим тўла бўлса мияхши ишламайди, овқатдан бошқа соҳаларда ҳам ихтиро қилишга бел боғламасак, фарзандларимизга илм учун шароит яратиб бермасак юз йилдан кейин ҳам, Олимларимиз бошқа юрт олимларини ихтиросини таҳлил қилиб, қандайдир «банкет» уюштирган, энг илғор бўлган ёшлиримиз қўрик танловда, аксарият ҳалқ тўртта боксчимизни олган медалини ош қилиб нишонлаб, майда нарсаларни атрофида ўралашиб юрган бўламиз.

Қайси қавм ўзини ўзгартиргунча Аллоҳ уларни ўзгартиромайди! Ошқозон билан эмас калла билан ўйламагунимизча жамиятда бир катта ўзгариш бўлишидан умид қилмаганимиз маъкул.

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

Биз “овқат егин”, деган эмас “ilm олгин”, деган пайғамбар умматимасмидик?

Биз корнига тош бойлаб юрган расул умматимасмидик?

Қачон овқатдан бошқа соҳада янгилик ихтиро қиласиз?

Биз “чинга бориб бўлса ҳам овқат еб келгин”, деган эмас, “чинга бориб бўлса ҳам илм олгин”, деган пайғамбар умматимасмидик?

Дунё лаззатларига қандай эришишни эмас, жаннат

лаззатларига етишиш йўлини чизиб берган пайғамбар, бизни пайғамбар эмасмиди?

Ҳазрат Бухорий еган таомлари билан эмас, олган илмлари билан бизни дунёга бухорийлар деб танитмаганмиди?

Ёки Термизий бобомиз Термизни пишган гўштлари билан эмас, ҳадис илми билан бизни мағурланишимизга сабаб бўлмаганмиди?

Ёки сахобийлар: “фалон сахобани уйида ўн беш хил таом едик”, деб ёзиб кетишганмиди?

Қачон овқатдан бошқа соҳада ҳам янгилик ихтиро қиласиз? Қачонки Ҳалқаро мусобақаларда ош қилишдан эмас, Математика, физика, химия ва бошқа илм-фан мусобақаларидан ўқори ўринларни олсак.

P.s Камроқ овқат есангиз соғлом юрасиз, енгил ҳаракат қиласиз. Бирорта ихтиро қилмаган тақдиризда ҳам ҳеч бўлмаганда тобутингизни кўтаргандарга малол келмайсиз.

Sayyid Islom
facebook.com

Ўзбекистонда кундалик рўзгор эҳтиёжи учун энг куп ишлатиладиган сабзавотлардан бири бўлган картошканинг нархи икки ой ичida тўрт баравар қимматлади. Бозорларда картошканинг килоси 7 минг сўмдан айрим жойларда 8 минг сўм (қора бозор курсида 1 АҚШ доллари)дан сотилаётгани айтилмоқда.

Тошкентнинг Фарход бозорида картошка 7 сўмга чиқди, Миробод бозорида эса 8 минг сўм.

— Картошкани килоси бир АҚШ долларидан ошиб кетди, — дейди 6 май куни Тошкент бозорларини айланган Тошбек.

Айрим вилоятларда маҳаллий ҳокимликлар бозорлар олдида маҳсус кўчма дўконлар ташкил этиб, арzon нархда “социал картошка” сотишини йўлга кўйган.

Лекин бу ҳам картошка нархи ошишишини тўхтатиб қоломаяпти.

Бир ой олдин 1800 сўм бўлган “социал картошка”нинг нархи Андижонда 2200 сўм бўлган. У ҳам одам бошига 3-5 килодан сотиляпти.

— 2200 сўмлик картошкани усти очеред. Одамлар арzon картошкани оламан деб узун очередга туряпти. Лекин, тезда тугаб қоляпти, — дейди Андижоннинг “Эски шаҳар” бозорига картошка олиш учун борган андижонлик Икромжон.

Андижон бозорларида “социал картошка” сотилиши учун масъул бўлган маҳаллий амалдорлардан бири Озодлик билан сұхбатда шаҳар ҳокимияти картошка нархини жиловлаш учун кунига бозорларга 6-8 тоннадан арzon картошка келтириб соттираётганини айтди.

— Бир кунда 6-8 тонна картошка келтириб соттиряпмиз. 7 мингга кўтарилиб кетган, лекин биз 2200 сўмдан арzonлаштирилган нархда соттиряпмиз. Ҳар бир кишига 5 килодан бериляпти. Бугун олиб туриб эртага яна келса берилаверади. Бу Россиядан олиб келинган қора

Ўзбекистонда картошкани килоси 1 АҚШ долларига тенглашди

картошка. База орқали арzon нархда бозорларга ташланяпти. Озигина қолди энди, яқинда ўзимизни Сурхондарёни картошкаси пишса нарх тушади, ҳаммаси ўрнига тушиб кетади, — дейди андижонлик амалдор.

Лекин, ҳокимиятнинг социал картошкаси ҳам ахолининг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ кондираётгани йўқ.

Ўзбекистонда картошканинг танқислашиб, нархи ошиб кетганига турли сабаблар келтирилмоқда.

Айримлар буни баҳорнинг кечиккани билан боғласа, бошқалар ўтган йили кўп сабзовотларга қурт тушиб, картошканинг чўғи кам бўлганини айтишади.

Ўзбекистонда янги картошка чиқишига эса бир ой бор.

— Ўтган йили янги картошка сал эртароқ униб, бозорга эртароқ чиқиб кетган эди. Шуни ҳисобидан эрта тугаб қолди. Ҳудо хоҳласа оз қолди янги картошка чиқса ҳаммаси жойжойига тушади, — дейди Андижонда картошка масаласига масъул қилиб тайинланган маҳаллий амалдор.

Ўзбекистонда ўтган йили 2.9 миллион тонна картошка етиштирилган. Бу эса 30 миллиондан ортиқ ахолини ушбу маҳсулот билан таъминлаш учун етмарли эмас.

Ўзбекистонга чет элдан картошка импорт киладиган логистик ширкат вакилининг Озодлик билан сұхбатда таъкидлашича, бозор мувозанатини ушлаб туриш учун давлат заҳирадисида турishi керак бўлган картошка тугаган:

— Вақтида етарли ғамланмаган. Шу кунларда, масалан, картошкани миңтакадаги мамлакатлардан тезда келтириб бозорни мувозанат қилиш ҳақида ҳам ўйлашмаяпти. Бир

ой ичida картошканинг бу қадар қимматлагани жиҳдий муаммо, дейди сұхбатдош.

Бундан атиги уч йил олдин Ўзбекистон матбуоти мамлакатнинг “картошка мустақиллигига эга бўлгани” ҳақида ёзган эди. Ҳатто бавзи нашрлар Ўзбекистон картошка экспорт киладиган мамлакатга айланиши ҳақида “башорат” килган эди. Аммо бугунга келиб бу гаплар иддао даражасида қолгани кузатилмоқда.

Ўзбекистонлик собиқ мулозим Анвармирзо Ҳусаинов бунинг сабабини эски ҳукуматнинг “ҳамма нарсани ўзимиз етиштирамиз”, деган шиори чиппакка чиққани билан изоҳлади:

— Ўзбекистон ҳукумати 2020 йилда картошка етиштириш ҳажмларини 35 фоизга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган бўлса ҳам, бу хато стратегия. Ҳамма нарсани ўзимиз етиштирамиз, деган эски ғоядан воз кечиши керак. Ўзбекистоннинг куруқ ҳавосида картошка яхши етишмайди. Бу иссиқ вақ қуруқ ҳаводан қўрқадиган ўсимлиқдир. Унга доимий намлиқ керак. Ўзбекистонда ҳар йили 1.5-2 миллион тонна картошка машаққат эвазига етиштирилади. Шу картошкани Белорусиядан олиб келиш мантиқли ва арzon бўлар эди, дейди собиқ мулозим.

Сұхбатдошга кўра, мамлакатнинг тўртта тоғ ҳудудида элит навдаги картошкани етиштириш учун фермер хўжаликларини ташкил этиш режалаштирилган бўлса ҳам бу режа ҳануз амалга ошмаган.

Ҳосилнинг кўпи турли касалликлар боис нобуд бўлган.
“Озодлик” радиоси

Бугун «очиқлик», «халқ дардини тинглаш», «аҳолининг ҳуқуқий в қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш» каби баландпарвоз сўзлар ўзбек матбуотидаги ўзига хос трендга айланган.

Мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлат идораларининг «очиқлик индекси» аниқланиб, эълон қилиниб борилаётгани ҳам ана шу тренд «самаралари»дан биридир.

«Адолат» газетаси (28.04) «Очиқлик индекси» амалга оширилаётган ислоҳотлардан аҳолининг хабардорлигини оширишга хизмат қилаётгани»ни билдири.

Газетада ёзилишича, Вазирлар Маҳкамаси 2016 йил 6 ноябрда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви



ТУШОВЛАНГАН «ОЧИҚЛИК» ИНДЕКСИ

тўғрисида»ги қонуннинг қойдаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чоратадбирлар тўғрисидаги қарорини қабул қилган.

Ана шу қарор асосида давлат идоралари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши тузилган.

Мана шу кенгаш 2017 йил 1 январь ҳолатига давлат органларининг «Очиқлик индекси»ни эълон қилибди.

Аввало, жамоатчилик кенгашига бу индексни эълон қилиш учун нега қарийб 4 ой вақт керак бўлганини тушунмадик. Балки кимга биринчи ўринни бериш масаласини ҳал қилиш қийин бўлгандир?! Яна билмадик...

Хуллас, 47 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органини қамраб олган рейтинг натижаларига кўра, Давлат солиқ қўмитаси 97,5 балл тўплаган ҳолда биринчи, Тошкент шахри ҳокимлиги ва Марказий банк бир хил кўрсаткич билан (96,33) иккинчи, Адлия вазирлиги (93,67) учинчи ўринни эгаллабди.

Юқорида кимга биринчи ўринни бериш масаласини ҳал қилиш қийин бўлгандир, деган истиҳолани айтиб ўтган эдик.

Фаолияти очиқлигига етакчиларни ўқигандан кейин бу фикримиз ҳақиқатдан йироқ эмаслигига асос топгандек бўлдик.

Масалан, «Очиқлик индекси»да иккинчи ўринни олган Марказий банк фаолиятини олайлик. Макталган бозош банкимиз сўралган маълумотни бермагани ёки беришни чўзгани учун йил бошидан бўён «Кун.ўз» сайтидан, агар адашмасак, икки марта танқид эшитганди-ку.

Қолаверса, ҳозир ҳам ўша

етакчи учталика кирувчи давлат органларидан уларнинг манфаатларига хизмат қиласидиган бирорта маълумотни сўраб кўрингчи, қанча вақтда ололасиз? Агар ололсангиз...

Бизнингча, бу рейтингни тузётган жамоатчилик кенгаши давлат идораларининг номи матбуотда неча марта тилга олинадиганига қараб ўрин тарқатётган кўринади.

Илгари давлат идоралари журналистлардан қочиб юарди. Яхшиси кўзга кўринмай, тилга тушмай юрганим яхши, деган ақида ҳукмрон эди.

Эшитишимида, марҳум президент ўзини кўрсатадиганларни ёқтиргмагани сабабли улар шундай йўл тутган.

Ҳозирги президент эса ҳалқнинг олдига чик, деб ҳаммани олдига солиб қубиб юрибди. Унинг кетмакет турткilarидан кейин барча идоралар журналистлар билан хисобот шаклида турли учрашувлар ўтказишга тушиб кетгани сир эмас.

Ҳатто давлат идораларининг журналистлар билан учрашувлари жадваллари ҳам тасдиқланганни шундан.

Ким ўзи ҳақида, қиласидиган ишлари ҳақида кўп маълумот тарқатса, «Очиқлик индекси»да муносиб жойга эга бўлишига шубҳа қиласангиз ҳам бўлади.

Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Очиқлик, ошкоралик деганда бу идоралар фақат ўзига ёқадиган маълумотларни беришини тушунмаслигимиз керак.

Кўтариладиган муаммоларнинг илдизлари давлат идораларига бориб тақалганда журналист бу органлардан ўзини, демакки, газетхонни қизиқтирадиган саволларига жавоб ололгандагина

фаолият очиқлиги ҳақида гапириш мумкинлигини унутманг.

Масалан, солиқ қўмитасидан ходимларининг таъмагирлигига оид эркин матбуотда кўтарилиган масалаларга нега эътибор қаратмаётганини сўранг. Кимdir мулкига кўз тиккан ҳалол тадбиркорни синдиришга нега кўпроқ солиқ органларидан фойдаланилаётгани сабабларини сўранг.

Агар бу қўмитаси шукабисаволларга жамиятни қониқтирадиган, асосли жавоб берса, ўшанда унинг фаолияти очиқлиги ёки ошкоралиги ҳақида фикр юритиш мумкин бўлади назаримизда.

Бошқа бир мулоҳаза. Сўнгги вақтларда сўмнинг долларга нисбатан расмий курси ҳар хафтада илгари мисли кўрилмаган даражада ўсиб боряпти. «Очиқлик индекси» етакчиларидан бўлмиш Марказий банк эса бунга бирорта расмий изоҳ бермаётгани унинг очиқлигиданми?

Валютанинг чайков бозори ҳувуруни босиш учун қандай ишлар қилмоқда бу банк. Бу ҳам сирлигича қолмоқда. Мазкур масалаларда негадир Марказий банк ошкоралик кўрсатмаяпти-ку.

Бошқа идоралар фаолиятининг «очиқлиги» тўғрисида ҳам шундай фикрларни бемалол билдириш мумкин.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкини, илк бор эълон қилинган «Очиқлик индекси» ўзини оқламади. У ҳукуматнинг қарори ижроси гўёки таъминланяпти, деб ўзини овутишга хизмат қилган, холос.

Баҳодир Шариф
Ўзбекистонлик газетхон таҳаллуси

Манба: Eltuz.com



Қўрқоқнинг қўшиғи ёки латтабайроқлар ҳақида

Кейинги икки ой ичидаги гаплашганим юзлаб ўзбеклар “бизга эркинлик керак эмас корнимиз тўйса бўлгани” деб бир хил гапни турли тарзда айтишиди.

«Россия бизни босиб оладими, байроғимизни юлиб олиб ерга ташлаб, бизни кул киласдими бизга барибир. Қорин тўқ чўнтақ бут бўлса бўлгани» дейишиди.

Улуғ шайх Ғаззолий одам билан хайвонни солиштиради: «Хайвон корни очса овқат ейди. Чарчаса ухлайди. Ҳирси қўзиса жуфтига кўшилади. Одам ҳам айни ишларни қиласди. Аммо унда бир фарқ бор, у ҳам бўлса ақл заковатдир.»

Ғаззолий ўлчовига кўра “фақат корним тўйсин” деганлар шунчаки хашаротларми?

“Томимизда кимнинг байроғи хилпираса бизга барибир” деган гапни уялмасдан айтадиган замонларга ҳам етдик.

Марҳум оғамиз Матназар Абдулҳаким ўзининг “Қўрқоқнинг қўшиғи” деган туркумида бугунги манзарани уста рассом каби чизиб кетибида.

Энг муқаддас байроғимиз пул,
Бу майдонда мен эга — сен қул.
Бу майдонда мен қул-сен эга.
Қашиоқларни эзар бойроқлар,
Кичикларни эзар катталар.
Латталардан бўлган байроқлар
Байроқлардан бўлган латталар.

1986 йилда мен Урганчдаги устахонамда “Шайтанат” деган мазмундаги сурат чизган эдим. (Тохир Малик ҳали бу мавзудаги

романини ёзмаган эди.) Бу расмда битглав кетган байроқни кўтариб кетаётган кўр одам тасвиirlанган эди.

Ўшандада Матназар оға бу расмни кўриб “Манқурлар учун тўкин дастурхон байроқ бўла олади” деган эди.

Кейин бу фикрни Матназар оға ўз шеърларида кўп марта “Бу юртнинг байроғи супрадир” деб ифода қилди.

Матназар оға одамлардаги иккюозламачиликни севмас эди.

Хозиргина «мен Темур а в л о д и м а н, Б о б у р н и н г неварасиман» деб турган одамнинг, бирдан «ўрисга кул бўлсан қорнимиз тўяди, кетни қисган бой бўлади» деб турланишидан Матназар оға ошкора ҳазар қиласди.

Матназар оғадан байт будир:

Мақтovларга берилганда эрк,
Гарчи осмонларнинг ойимиз.
Қаргасалар қарғини теккүдек,
Иўқдир бирор ҳалол жойимиз.

Матназар оғанинг 2008 йилда ёзган бир щеъри бор.

Бу шеър Ўзбекистонда 2008 йили чоп қилинган “Жавзо ташрифи” деган китобига киритилган.

Бу шеър мамлакат чеккасида кўринмасгина бўлиб ўтирган шоир қалб қўзи билан мамлакат сиёсий вазиятини сиёсатшуносдан кўра аникроқ кузатганига далиллар.

Агар Ўзбекистон президентининг кизи Гулнора Каримовага ишонилса мамлакатнинг ўғрибошиси

президентнинг хотини Татьяна Каримовадир.

Матназар оға ўз шеърида “Шум кампир эгалик қилмоқда мулкка” деб таъкидлайди.

Бу йўғон ишорат акс этган мисраларни қайта ўқиймиз:

Булбуллар кетгандир бу гўзал ердан,

Бўстонда дард билмай яшайди қарга.

Нолалар чекмайди фигон тортмайди,

Ўқрайиб ўқрайиб қазиллар гулга..

Захарлаб навқирон меросхўрларни,

Шум кампир эгалик қилмоқда мулкка.

Эслатиб кўйман бу мисралар 2008 йилда ёзилган.

Матназар оға “Захарлаб навқирон меросхўрларни, Шум кампир эгалик қилмоқда мулкка.” деб ёзяпти.

Гулнора Каримова эса 2013 йилга келиб ўзи ва ўғлининг онаси тарафидан заҳарланганини ёзди.

Матназар оға “Юргургани сомонхонагача” бўлган бу халқнинг оғзини лағмонни или билан боғлаш мумкинлигини ёзар экан, Каримовлар салтанатининг ўғрилиги боис мамлакат путурдан кетганини “Натижа” деган шеърида таъкидлайди.

Натижа

Боғлар чўл, тогларинг талқона чиқди

Рост деб айтганларинг ёлгона чиқди

Қаср деб қурганинг молхона чиқди.

Дарҳақиқат ўзбекистон матбуоти мустақиллик қасри дея атайдиган ошиён молхона, унинг сокинлари эса мол бўлиб чиқди.

Ғаззолий айтгандек, корни очса овқат ейдиган, чарчаса ухлайдиган, ҳирси қўзиса жуфтига кўшиладиган хайвон. Россиядаги кампирларни зўрлаган ўзбек мардикорлар хикоясининг эса матбуотда сийкаси чиқиб бўлди.

Бугун марҳум шоир оғамиз Матназар Абдулҳаким шеърияти призмаси орқали кўринган манзара шундай.

Комил Яшиннинг “Инқиlob тонги” спектаклидаги мазлум ролини ўйнаган Амин Турдиев

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Ахволимиз томошабопми” дейди.

Спектаклдаги бу жумла айтилганидан кейин руслар Бухорони ишғол қиласди.

Бухоро бир олма каби узилиб русларнинг қўлига тушади.

Чунки амир баччабозлик, овқат ейиш ва ўғирликдан бошқа нарсани ўйламаган.

Чунки муллалар давлатчилик ва миллый манфаатни куфр деб билишган.

Чунки оддий халқ авом, бойлар жохил, аскарлар эса оч бўлган.

Бу давр ҳақида Аваз Утар ёзди:

*Синоҳи пора истар,
Мулло ижора истар,
Бечора чора истар,
Бир чора замон борму.*

Бу чора “миллатпарварлик” деган сийка калимага жой бўлганига Матназар оға чин дилдан ишонар эди.

Матназар оғанинг энг севган ҳикояси улуг ислом олими Нажмиддин Кубронинг Мўғулларга қарши қўлида қурол олиб курашгани ҳақида.

Дин ахлари ва айниқса сўфийларнинг ўз ичига ёшуруни биллат учун курашмагани айтилади.

Боз устига муллалар Чор аскарларига Тошкент дарвозасини очиб бергани тъяна дашном билан эсланади.

Аммо сўфий Нажмиддин Кубро қўлига қилич олиб босқинчилар билан курашиб ўз давлати ва миллатини химоя қиласди.

Тенгисиз курашда Нажмиддин Кубро, мўғуллар санчган ўнлаб найзалар захмидан йиқилар экан сўнг дамда панжалари билан душман байробин гижимлайди.

Миллат қаҳрамони Нажмиддин Кубро ерга йиқилар экан ўзи билан бирга душман тугини ҳам ер парчин қиласди.

Матназар оға учун, қолаверса

мен каби у кишининг укалари учун бу ватанпарварликнинг гўзал ҳикояси эди.

Гарчи Чингизхон Нажмиддин Куброга кўп пул ҳамда лавозимлар ваъда бериб, эвазига фақат бир нарса, қаршилик қиласликни сўраган эди.

Аммо Шайх Нажмиддин Кубро ўз давлатини босқинчилардан ҳимоя қилишни душман қўлидан эхсон олиб тирик яшашдан афзal деб билди.

Бобом Шайх Нажмиддин Кубро қўлида,

Гижимланиб қолган манфур тугларинг.

Чириб чириб ётар Урганч йўлида, деб ёзган эди мархум шоир оғамиз.

Бугун душман қўлидаги байроқни юлиб олишга жасорати етадиган эл оғаси борми орамизда?

Шуҳрат Бобоҷон

“Озодлик” радиоси ходими



норозилигига сабаб бўлиб келмоқда ва бу тизимни бекор қилиш таклифи “Ўзбекистон Республикасини я на да ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га ҳам киритилди.

Давлат

Сұхбатдошингиз борми?

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари: “Бизнинг услубимиз сұхбатdir”, дейдилар. Авлиёлар улуг зотлар сұхбатида пишиб, етишганлар. Яхшилар сұхбатига ошино бўлмоқликка давват шунинг учунди! Ҳаким Ахтар ҳазрати бу ҳақиқатни бундай мўкося қиласди: “Ергу бир хонанинг жовонида олма бор, унинг борлигини кўриб турибиз, бунинг устига, доктор олма ейишни буюрган, кўнгил ҳам уни ейишни истаб турибди, лекин жойингиздан туриб олмани олишга сизда кувват ийқ. Бу ахволингизни кўриб, доктор сизга кувват берувчи укол қиласди, витамин капсула беради. Шунда кувватга кириб, олмани ўзингиз олиб ейдиган бўласиз. Илм эгасининг холи ҳам шу. Үнда илм бор, ишонч ҳам бор, лекин АМАЛ қилишга кўпинча ўзида кувват тополмайди. Ана шунда Аллоҳнинг ДЎСТАЛАРИ билан сұхбатлашса, кувватланади ва билганинг амал қилишга шошилади”. Бизнинг ҳаётимизда сұхбат ийқ, тўғрироғи, кувват бўладиган сұхбатдошларимиз ийқ. Қани энди, Имом-домлаларимизнинг Жума сұхбатлари қолипдан чикса! Дунёнинг хеч бир масжидида бизникидай киска Жума ўқилмаса керак. Бир масжидга кетма-кет уч жумага бордик. Ҳаммасида бир хил: биринчи ракатга “Масад”, иккинчисига “Ихлос”! З минутда Жума тамом! Тўғри, бу билан ҳам намоз адо бўлади, лекин шунчаки “акт” килиб қўймаслик керакми, дейман-да.

Минглаб намозхонларнинг бир жойга тўпланишини ганимат билиб, дуо-ю илтижолар, сұхбатлар қилинса, юртимизга файз бўларди.

Алишер Назар

Чиқиши визаси бекор қилинмайдими?

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Ички ишлар вазири Абдусалом Азизовга кўра, дунёнинг барча мамлакатларига чиқишига руҳсат берувчи стикер (ОВИР) бериш тизимиға айrim ўзгаришилар киритилмоқда.

Бундай руҳсатнома бериш билан шуғулланувчи ички ишлар ходимлари сони “кескин кўпайтирилиши”ни таъкидлаган Азизов, чиқиши визаси ва биометрик паспорт олиш учун электрон навбат тизими жорий қилинишини билдириди.

2 май кунги матбуот анжуманида Ички ишлар вазири чиқиши визаси тизимини бекор қилиш ҳақида гапирмади.

Ўзбекистонликлар ҳаракат эркинлигини кескин чекловчи чиқиши визаси аҳолининг кенг

дастурининг 76-моддасида 2017 йилнинг 3-чораги ичидаги ИИВ, ТИВ, МХХ, ДБҚ, Бош прокуратура, Олий суд, Аддия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига “паспорт тизимини такомиллаштириш орқали хорижга чиқиши учун руҳсатнома (стикер) расмийлаштириш тартибини бекор қилиши” вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон ўз аҳолисининг хорижга чиқиши учун маҳсус текширув тизими ва стикер жорий қилган дунёдаги саноқли давлатдан бири ва чиқиши визаси тизими йиллардан бери ҳам маҳаллий, ҳам халқаро ҳуқуқ фаолларининг кескин танқидига учраб келмоқда.

ЎҲҲ хабарлар бўлими

Қасрдан яна СИЗОга

Киев Апелляция суди Абдуррали Абдуллаевни экстрадиция текшируви давомида уй қамоғидан вақтингчалик сақлаш изоляторига қайтариш ҳақидаги прокуратура сўровини қондириди.

Абдуррали Абдуллаев 19 апрель куни СИЗОдан президент Порошенко яшайдиган Козин қишлоғига кўчган эди.

Киев шаҳар прокуратураси матбуот котиби Надя Максимец Озодлик билан сұхбатда апелляция суди прокуратура шикоят аризасида келтирилган хавотирларни асосли деб топганини билдириди:

— Апелляция суди шикоятимизни қондириди ва Абдуллаевни экстрадицион хибсда сақлаш учун етарли асослар бор, деб топди. 27 апрель куни Абдуллаев суд залидан тергов изоляторига қайтарилиди, — деди Максимец.

Украина қонунчилигига кўра, шахсни экстрадицион хибсда ушлашбираилгачўзилиши мумкин. Аммо ҳар икки ойда прокуратура бундай хибсни чўздиришни тақозо қилувчи асослар билан судга мурожаат қилиши ва хибсда қолдириш-қолдирмаслик бўйича суд қарор чиқариши керак.

19 апрель куни прокуратуранинг шундай сўровини кўриб чиқкан Киев шаҳар Печерский район суди ҳаками Светлана Шапутъко Абдуррали Абдуллаевга нисбатан кўлланилган эҳтиёт чорасини ўзгартириш ва уни вақтингчалик тергов изоляторидан (СИЗО) уй қамоғига чиқаришга карор қилган эди.

Бу қарор ортидан Ўзбекистон марҳум президенти қайнинияни Киев яқинидаги Козин қишлоғида ўз адвокатлари ижарага олган виллага уй қамоғига чиқарилган эди.

Абдуллаевнинг экстрадиция масаласи ўрганилаётган муддатда уй қамоғидан қочиб кетиш эҳтимоли мавжудлигини таъкидлаган Киев шаҳар прокуратураси район суди қарори устидан дарров шикоят аризаси киритган эди.

Абдуллаевнинг украин олигархлари қишлоғи сифатида танилган Козиндаги хаёти ўн кунга етмай – 27 апрель куни Киев апелляция суди уни яна СИЗОга қайтарди.

Марҳум президент Ислом Каримовнинг қайнинияни бўлган 33 яшар Абдуррали Абдуллаев Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ва



Абдуррали Абдуллаев тергов изоляторига қайтарилиди

растратада йўли билан талон-тарож килиш), 178-моддаси (чет эл валютасини яшириш), 209-моддаси (манраб соҳтакорлиги) ва 243-моддаси (жиноий фаолиятдан олинган даромадни яшириш) жиноятларида айланмоқда.

У жорий йилнинг 14 январида Киев аэропортида паспорт текширувидан ўтётган пайтда чегарачилар томонидан ушланган. Чегарачиларга Доминикан Республикаси ва Ўзбекистон паспортиларини кўрсатган Абдуллаевнинг Ўзбекистон томонидан халқаро қидиругва берилгани аниклангач, у хибсга олинган эди.

Прокуратура танқидларни рад этиди

Абдуррали Абдуллаевнинг 27 апрель кунги суд қарори билан уй қамоғидан яна изоляторга қайтарилиши, уни ҳимоя қилаётган адвокатлар гуруҳининг эътиrozига сабаб бўлди.

Ана шу эътиrozларга қўшилган украиналик сиёсатшунос Вадим Карапов маҳаллий матбуотда Киев апелляция маҳкамаси қарорини Украянанинг халқаро майдондаги обрўсига птур етказадиган ҳаракат сифатида баҳолади.

“Украина Апелляция суди тушида Абдуллаевни Тошкент турмаси тутқунлигига кўраётган ўзбек элитаси билан очиқдан-очиқтил бириктириди. Агар Абдуллаев уй қамоги шароитида қоида бузмаган бўлса, уни СИЗОга қайтаришга нима ҳожат бор эди? Ёки прокуратурадагилар Абдуллаевнинг қочиб кетишидан

кўрқдими? Ўтган бир ҳафта ичидаги, у хоҳласа, 10 марта қочиб кетган бўлларди”, деб ёзди 10 май куни Карапов.

11 май куни Озодлик билан сұхбатда Киев прокуратураси расмийси бу каби танқидларни жавоб беришга арзимайдиган, деб баҳолади:

— Жиноий ишга оид материалларни билмайдиган, экстрадицион текширув тафсилотидан бехабар сиёсатшуносларнинг бу каби танқидлари ўринисиз. Прокурор, мавжуд материаллардан келиб чиқиб, Абдуллаевга нисбатан экстрадиция текшируви борар экан, уни СИЗОда сақлашга етарли асос бор ва хибс энг тўғри эҳтиёт чораси, деган ишончда, деди прокуратура матбуот котиби.

Максимецнинг таъкидлашича, экстрадицион текширув хулосасидан келиб чиқкан ҳолда, Абдуллаевни Тошкентга бериш-бермаслик ҳақидаги сўнгги қарорни Украина Бош прокуратураси чиқаради.

Абдуллаевни экстрадиция килиши ҳақида расмий сўров юборган Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳозирга қадар жамоатчиликка бу жараёнга оид бирор маълумот тақдим қилган эмас – прокуратура сайтида Абдуллаевга ўтганда очилган жиноий иш ҳақида ҳам, унинг Украянада қўлга олиниб, экстрадиция қилиш сўралгани ҳақида ҳам хабар йўқ.

Ўзбек ҳамкасларининг Украина прокуратураси ўтказаётган экстрадицион текширувда қанчалик

(Давоми кейинги сахифада)

(Давоми: Боши олдинги сахифада)

фаоллиги, уларга Абдуллаевни сўроқ қилиш имкони берилган-берилмагани ҳакидаги саволга Киев прокуратураси расмийси, “бу ҳакда ўзида аниқ маълумот йўқ” лигини айтди.

“Кувасой мафияси”

Президент рафиқаси Татьяна Каримованинг жияни Акбарали Абдуллаев узоқ йиллар Фаргона водийсидаги аксар сердаромад соҳаларни ўз норасмий назоратида ушлаб келган.

2012 йилда Ўзбекистонда ёнилғи тақчиллиги юзага чиқиши ортидан мамлакатдаги энг йирик Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида кенг кўламли рейдлар ўтказилган ва бу жараён давомида заводнинг 60 га яқин раҳбар-ходими хибсга олинган эди.

Мазкур жараён давомида берилган кўрсатмалардан нафақат бу завод, балки умуман водийдаги нефт олди-сотиси устидан назоратнинг “Кувасой мафияси” деб аталган гурух кўлида экани, бу гурухнинг эса, президент

қайинжияни Акбарали Абдуллаевга бўйсуниши аниқланган.

2012 йилга қадар Фаргона водийсидаги сердаромад бизнес тизимларини тўлиқ назоратида ушлаб келгани айтиладиган Акбарали Абдуллаев бизнес империяси таркибида Фаргона нефтни қайта ишлаш заводидан ташқари, Кувасой цемент заводи, “Фаргона текстиль”, “Silver Silk”, “Кварц”, “Кувасой текстиль”, “Кувасойпромстрой” каби фабрика ва ширкатлар, ўнлаб савдо мажмуаси, “Осиё” меҳмонхоналар тармоғи бўлган. Акбарали Абдуллаевнинг Европа, хусусан, Латвиядаги кўплаб кимматбаҳо кўчмас мулк эгаси экани айтилади.

Тергов материалларига кўра, Акбарали Абдуллаев ҳам ўз вақтида Фаргона вилоятидаги ноқонуний ҳаракатлар эвазига топилган камида 800 миллион АҚШ долларини нақд кўринишда мамлакатдан олиб чиқиб Европа банкларига жойлаштирган.

Акбарали Абдуллаевга Фаргона шаҳар прокуратураси Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 164,

184-моддалари бўйича талонтарож ва солик тўламаганлик айблари билан жиноий иш очган. Кейинчалик Бош прокуратура бу айблар устига пора олишга оид 210-моддани ҳам қўшган.

Абдуллаев 2013 йил 10 октябрда иқтисодий жиноятларда айбланиб, шахсан Ислом Каримов буйруғи билан хибсга олинган ва 2014 йил ноябрида дастлаб 15 йилга озодликдан маҳрум этилган, сўнгра жазо муддати б йилу б ой этиб белгиланган эди.

Озодликка маълум бўлишича, Абдуллаев қамалишидан икки ярим йил ўтиб, шартли озод этилган, бироқ президент Ислом Каримов 2 сентябрда вафот этишидан кўп ўтмай, мамлакатни тарк этмаслик ҳакидаги тилхатта қарамай, Ўзбекистондан яширинча чиқиб кетган.

Суд реестридан маълум бўлишича, Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди 2016 йил 15 октябрда Акбарали Абдуллаевни ушлаб, Ўзбекистонга келтириш ҳакида қарор чиқарган.

Манба: “Озодлик” радиоси

“Отатуркнинг оиласига, номусига тил теккизганларнинг барчаси валадизинодир”

Сўнгги кунларда Туркиянинг Миллиятчи ҳақат партияси (МНР) таркибидан “йўқ” дегувчилар тарафдори бўлгани учун чиқариб юборилган мустақил депутат Исмоил Ўқ (İsmail Ok), Отатуркни ҳақорат килгандарни кескин танқид қилиб, “Туркия Республикаси давлатининг асосчиси, бош қўмандони Фозий Мустафо Камол Отатуркнинг оиласи ва номусига тил теккизганлар инсофисиз, виждонсиз, пасткаш итларнинг барчаси валадизинодирлар” деган. Ўқ, Туркия Олий Мажлиси (Türkiye Büyük Millet Meclisi) раисига ҳам ушбу гап тегишли бўлган шахслар билан боғлиқ 5 та савол берди.

Балиқшаҳардан мустақил депутат Исмоил Ўқ, Туркия Олий Мажлисида ташкил этилган матбуот мажлисида долзарб баённомалар берди. Исмоил Ўқ, Отатуркни ҳақорат қилаётган кишиларни қўлла - қува - ватло - вчи - лари и борлигини, буларни фош қилиб

қонун олдида жавобгарликка тортиш кераклигини айтди.

Исмоил Ўқ шундай деди: “Сўнгги кунларда баъзи ақли жойида бўлмаган кишилар Отатуркнинг оиласига, номусига тил теккизб, оғизларига эрк бериб юборгани кузатилди. Очиқ ва аниқ бир тарзда айтаманки Туркия Республикаси давлатининг асосчиси, бош қўмандони Фозий Мустафо Камол Отатуркнинг оиласи ва номусига тил теккизганлар инсофисиз, виждонсиз, пасткаш итларнинг барчаси валадизинодирлар. Бу разиллар ҳакида гапиришнинг кераги ҳам йўқ. Бу инсофисизлар жасоратни ким ёки кимлардан олмоқда? Бутун масала буларни кўллаб-қувватлаган одамлар ва ташкилотларни фош қилиб, қонун олдида жавобгарликка тортилишидир. Адолат ва тараққиёт партиси (AKP)дан бўлганлар ҳокимиятлар бу ақлсизларга шубҳали конференциялар

бердириш учун навбатга турганлар”.

“Бу ақлсизлар нашр қиласиган газетага Туркия Олий Мажлиси обуна бўлганми?”

Исмоил Ўқ, Отатуркни ҳақорат этган кишига алоқадор бўлган Мажлис раиси Исмоил Каҳрамон (İsmail Kahraman)дан шуларни сўради: “Туркия Олий Мажлиси бу ақлсизлар чиқарадиган газетага обуна? Обуна бўлса, обуналиги бекор қилинганми? Туркия Олий Мажлиси бугунга қадар бу инсофисиз чиқарган газета учун қанча ҳақ тўлаган? Бу ақлсиз FETÖ (Фатхуллох террор ташкилоти) чи, бунга китоб ва теледастурлари хужжатdir. 17-25 декбрдан сўнг телекранларда FETÖ га мақтовлар ёғдиригандан кейин ҳам хибсга олинмади, унинг орқасидаги куч ким ва прокурорлар неча ҳаракатга кечмадилар? Йўқса Отатуркни ҳақорат қилиш учун FETÖ террор ташкилотига аъзолигига кўз юмилмоқдами?”

*Манба: sozci
Туркия туркчасидан
ўзбекчалаширилди*

Жорий йилнинг 29 апрель куни турмуш ўртоғимнинг туғишидан холаси оламдан ўтгани ҳақида Фарғонадан шум хабар келди. Биз жаназанинг соат 14-00 га белгиланганидан воказиф бўлганимиздан кейин олдимизда 7 соат вақт борлигини инобатга олиб оиласвий йўлга отландик. Қўйлиқдаги “Водий” автобекатидан енгил автомашинага миндик. Ёлаган уловимиз икки соатда Оҳангарон, Ангрен шаҳарларидан ўтиб, “Қамчик” довонидаги “Чинор” ИПХ бекатига кириб борди.

Постда ҳар доимгидек машиналар турнақатор саф тортиб тургани боис машинамиз маскандан сал кам 1 км. узоқлиқда тўхтади. Олдимиздаги машиналарнинг олдинга томон интилишлари ниҳоятда суст. Бундай аҳволда биз постда 1 соат қолиб кетишимиз табиий. Шуни инобатга олиб, мен ҳайдовчининг қаршилигига қарамай автомобилдан тушиб, масъул ходимларга вазиятни айтиб тушунтириш мақсадида ИПХ масканига бордим.

Масканда 10 дан кўп ички ишлар, фавқулодда вазиятлар ҳамда чегара қўшинлари ходимлари бор экан. Шундай бўлса-да, турнақатор бўлиб навбат кутиб турган машиналарни ва улар ичидаги йўловчиларнинг паспорт, хужжатларини ҳар икки томон – кириш ва чиқиш томонда атиги 1 нафар ходим бокибем, шошилмасдан текширмоқда. Қолганлари эса ён-атрофда бир-бирига гап сотиб, ҳазил-хузил қилиб турибди.

Мен ойнали кабинетда ўтирган уч нафар милиция ходимига юзландим. Уларга вазиятни айтиб тушунтирдим. Улардан бири машинамиз орқада бўлса қандай қилиб тез ўтказиб қўйишини, навбати билан ўтаверишини атишиди. Мен милиция катта



Бегоналашаётган Фаргона водийси

лейтенантига (аслида, ҳар бир ходим кўкрагига исми-шарифи ёзилган шахсини тасдиқловчи бейжик тақиб олиши керак) машинамиз иккинчи линияда турганини, қўшимча линия орқали масканга кириб келиш мумкинлигини билдиридим.

Аммо бунга “ҳамманинг жаназага шошаётганини, уларнинг ҳар бири талабини бажаролмаслигини” билдиран билимдон миршаб рўйхушлик бермади. Қандайдир йўллар орқали ёғли жойга ишга жойлашган милицияга: машина ва йўловчилар хужжатларини қўпчилик бўлиб тезроқ текшириш мумкинлигига, бир киши ишлаб беш кишининг гап сотиб ўтирганига оид фикрим ҳам ёқмади. Шу тариқа “Чинор” постида нақ 52 минут қолиб кетдик. Бунинг ҳисобига жаназа йиғинига ҳам етиб бора олмадик.

Фарғонадан Тошкентга қайтишимизда ҳам худди шундай холат, факат бу сафар “Чинор”

ЙПХда эмас, “Наманган” ЙПХда содир бўлди...

Европадан Осиёга, Осиёдан Африкага, Америкада и Астравлияга, хуллас, бир қитъадан иккинчи қитъага етиб бориш мумкин бўлган бутунги тарақкий топган замонда Ўзбекистоннинг

бир шаҳридан иккинchi шаҳрига етиб бора олмаслиқ, бунга сунъий тўсиқларнинг йўл бермаслиги, дунёвий маданиятдан орқада қолаётганимиз ҳар қандай кишини нафратлантира керак.

Гарчи, бир давлатта қарашли вилоятдан-вилоятга, шаҳардан шаҳарга бориб-қайтишда ватандошлар ҳаракатини чеклаш, улар устидан жиддий назорат ўрнатиш (фавқулодда вазиятлар бундан мустасно) халқаро талабларга жавоб бермаса-да, “Қамчик” довонининг нейтрал зона эканини инобатга олган ҳолда бу каби саъй-ҳаракатларга қарши чиқмаслик мумкин эканини ҳам эътироф этмай иложимиз йўқ.

Аммо, бундай ҳаракатлар инсон ҳақ-хуқуқларини топташ, одамийлик презумпциясига зид ҳаракат қилиш эвазига эмас, ўзаро англам, касбга содиқлик ва бошқа манфаатли ҳаракатлар руҳида амалга оширилса, у ҳолда халқни тушунган, ҳурмат қилган, қадрлаган, эъзозлаган ҳукуматга ва унинг сиёсатига ким қарши чиқади?

Ҳа, Ўзбекистоннинг тараққиёти учун тинчлик ва барқарорлик энг асосий шарт саналади. Бироқ, фикри ожизимча, бундай тинчлик ва барқарорликни ватандошларнинг қалб тинчлиги, халовати, хотиржамлигини бузиш эвазига амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас.

Рузабай Азимий
facebook.com



Ўзбекистон дин эркинликлари бўйича маърузачини тақлиф қилади

11 май куни БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зейд Раад Аль-Хусейннинг ташрифи якунланди. Ташифнинг бош натижаси 15 йиллик танаффусдан сўнг ўзбек ҳукумати томонидан БМТнинг дин эркинликлари бўйича Маърузачисининг мамлакатга тақлиф этилиши бўлди. Тошкентдаги матбуот анжуманидаги ўз якуний нутқида у, сўнгги 24 йил ичидаги БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг илк ва ягона ташрифи эканини таъкидлади. Ундан олдинги олти комиссар гарчи бир неча бор бошқа марказий осиё давлатларига келишган бўлишсада ҳеч қачон Ўзбекистонга тақлиф қилинмаганини билдири.

Олий Комиссар Шавкат Мирзиёев билан 90-минутлик учрашув ўтказди, „бунинг давомида биз кўплаб таянч нутқаларини топдик ва қатор конкрет қадамларни келишиб олдик“, деди у. Уша куни Адлия вазири, ИИВ раҳбари ва мамлакат Бош прокурори билан ёам учрашувлар ўтказди.

БМТ бош ҳуқуқ ҳимоячиси ўз нутқида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Президент стратегиясини олқишилашини билдири ва ҳукуматни стратегия бўйича инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалий натижаларга эришишга чақириди. „Ўз-ўзидан англашилади, режа ва ниятлар – бир томон, натижалар – эса бошқа бир нарсадир,

Мен 68 ёшдаман. Кўп раҳбарлик лавозимларида ишладим.

Тизимни ичидан анча яхши биламан. Ўзим иқтисодчиман.

Бир мисол; ижтимоий соҳага Союз бюджетдан одам бошига РСФСР да 2 рубль 76 тийин, Ўзбекистонда бу курсатич 37 тийин ёки бизга қараганда 9 баробар Россияда яшаётганларга кўп эди.

Ижтимоий соҳа бу мактаблар, болалар боғчалари, спорт иншоатлари, маданият уйлари ва ҳоказолар, шунинг учун спортсменлар биздан карийб йўқ эди.

Боксдан Руфат Рисқиев, Собир Рўзиев эди ва тамом.

Ҳозир бу курсатич 300 баробар кўп булса керак.

Мактаблар олдин 37 фоизгина типовой, уларни 9 фоизида спорт зал бор эди. Гапираверса гап кўп.

Шунинг учун ҳар куни Оллоҳга шукур киламан Россиядан ажратгани учун. Нима кўргиликлар бошимизга солмади улар.

Фақат биз курбон бердикку. Эсланг; 1918 йилги Арман дашноқларидан иборат поленинг Қўйкон қирғини, Босмачилар деб

айниқса инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетар экан, ҳукумат кўпинча чиройли ваъдалар беради, бироқ уларни реал ўзгаришлар билан мустаҳкамламайди“, деда ургулади у.

Олий комиссар шунингдек, сиёсий маҳкумлар муаммосига ёам тўхтади. «Мен ҳукуматга – иложи борича тезроқ, кўпроқ миқдордаги сиёсий маҳкумларни озод этишда давом этиш илтимоси билан мурожаат қилдим, уларнинг айримлари анчайин муаммоли суд жараёнларида узоқ муддатларга ҳукм қилинишган», деди жаноб Зейд Раад Аль-Хусейн.

У қийноқлар ва шафқатсиз муносабатнинг бошқа шаклларини Ўзбекистоннинг Қийноқларга қарши конвенциядаги мажбуриятларидан келиб чиқкан ҳолда мутлақо тўхтатишга чақириди.

Қийноқлар кўлаш «кўп йиллардан бўён Ўзбекистоннинг халқаро обрўсига путур етказиб келаётган эди. Ҳукуматнинг бу масалани кўришидан мен хурсандман», деди у.

Ўзининг чиқишида шунингдек у, болалар меҳнатининг тўхтатилишини ёам олқишилади ва Ўзбекистон ҳукуматини пахта терими даврида давом этаётган катталарни мажбурий меҳнатга жалб қилиш тизимига чек қўйишга чақириди.

Ва ниҳоят Олий комиссар «2005 йилнинг 13 майида Андижонда юз берган даҳшатли воқеаларни» суриштиришга чақириди. «Олдинга

қараб юриш мухим бўлгани ҳолда, ўтган воқеаларга баҳо бериш, қурбонларни унумаслик ва уларнинг саволларига жавоб топиш ёам шунчалик мухим», деди у Тошкентдаги нутқида.

Олий мартабали мөхмон ўз нутқига ҳулоса ясаб, унинг назарида Ўзбекистон чорраҳа олдида турганини таъкидлади. „Мирзиёевнинг президентлик иқтидорига келиши билан пайдо бўлган ажойиб конструктив тақлиф, режа ва инсон ҳуқуқлари бўйича янги қонунчиликлар кўлами бор. Бу ислоҳотларни мувафақиятни адо этиш мамлакат келажагини ўзгартирадиган самара бериши мумкин. Бу узоқ ва машаққатли йўлдир, унда тусиқлар ва омадсизликлар бўлиши мумкин, бироқ ишонаманки – сафар бошланди“.

БМТ Олий комиссари Тошкентдан қайтгач «Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гурухи (УМХХТГ) баёнот тарқатди, бунда «қийноқлар, таҳқирлар ва диний мотивга кўра қамалгандарга муддат қўшиш давом этаётгани» айтилади.

УМХХТГ пресс-релизида илгари «экстремистик диний ташкилот»да иштирок этганлиқда айбланиб қамалган, бироқ муддатини ўтаб бўлган маҳкумлар aka ука Мирзаевларга қийноқлар ва муддат қўшиб берилганини мисол қилиб келтиради.

Манба: Eltuz.com

Совет Иттифоқи ҳақда хотиралар

қиришиди, Колхозга кирмаяпсилар деб қулоқ қилиб Сибир ўрмонларида мужик қилиб дарахт кестириб қанча одам ўлди, 1937-41 йиллар бутун зиёлиларни отишиди, қамоқда Сибир Магаданда саклаб қирғин қилди. Урушда 1 млн 632 минг, шундан 643 минги киши ўлди, 612 минг ярадор бўлиб кайти.

Уришдан келганларни 46 мингини ёмон уришгансан деб НКВД яна 5-14 йилга қамади, 1959-65 йилларда яна планни собатаж қилдиларинг деб, ҳар 3 тадан битта раисни қамашди.

1983-1990 йиллар пахта иши деб табелчидан Республика раҳбаригача қамашди. Қанчалари қийноқ ва таҳқирларга чидай олмай ўзини ўзи ўлдириши.

Масалан Рўзғар Каримовани акаси Қаҳрамон ака ўзини қамоқда осди. Қашқадарё обкомини биринчи котиби Фоипов Р.Г ўзини уйида қамоққа олишга келган терговчилар олдида сўйиб ташлаб ўзини ўзи

ўлдириди.

Республика Ички ишларининг ажойиб вазири, армия генерали Қудрат Эргашев ўзини отди. Бундай фактларни юзлаб келтириш мумкин.

Яна 1873 йилдан Царский армияни Самарқандда қамалидаги хунрезликлар, Тошкент, Бухора, Андижон, Фарғона, Когондаги, Жиззах, Қўзғолонини қонга бўялиши, Дукчи Эшон ҳаракатини бостирилишичи, қирғинликларчи.

Қани айтингчи улардан ҳеч қачон фаровонлик кўрмаган халқ Россияга яна қўшилиши мумкинми. Ушаларга мен келтирган далилларни ўқиб бериб оғзини ёпинг. Соғ бўлинг. Мустақиллигимизни асрайларик. Бундай олийжаноб халқимиз ва жаннатмакон заминимиз билан албатта буюк келажак қурилажак.

Олламурад Исакулов
[facebook.com](https://www.facebook.com/erkin.yurt)

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурабек Саломов